

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **560** Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

### [Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 — 2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури тўғрисида» 2015 йил 6 мартдаги ПҚ–2313-сон қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ–4725-сон Фармонини ижро этиш юзасидан, шунингдек сув таъминоти ва канализация ташкилотларини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, аҳолининг сифатли ичимлик сув ва канализация хизматлари билан таъминланганлиги даражасини янада ошириш, тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш тизимини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида сув таъминоти ва канализациянинг ишлаётган ташкилотлари негизда шаҳарлар ва туманларда филиаллари бўлган ягона «Сувоқова» давлат унитар корхоналари ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

«Сувоқова» давлат унитар корхоналарининг, шунингдек уларнинг шаҳар ва туман филиалларининг намунавий тузилмаси 1, 1а, 1б-иловаларга мувофиқ; ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизациялашнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлашга, тадбиркорлик субъектларини «фойдаланишга тайёр» шартларида муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тизимини такомиллаштиришга доир комплекс тадбирлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар

хокимликлари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси билан биргаликда 2016 йил 1 январгача:

сув таъминоти ва канализациянинг ишлаётган ташкилотларини қайта ташкил этиш йўли билан ушбу қарорга 1, 1а ва 1б-иловаларга мувофиқ намунавий тузилмаларга биноан «Сувоқова» давлат унитар корхонаси ҳамда унинг шаҳар ва туман филиаллари ташкил этилишини;

«Сувоқова» давлат унитар корхоналарининг уставлари тасдиқланишини ва улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

«Сувоқова» давлат унитар корхоналарининг малакали муҳандис-техник ва ишлаб чиқариш ходимлари билан бутланишини таъминласинлар.

4. «Сувоқова» давлат унитар корхонаси билан унинг шаҳар ва туман филиаллари ўртасида мол-мулкнинг тизим ичида берилишига сотиш бўйича айланма сифатида қаралмаслиги ва, тегишли равишда, солиқларни ва давлатнинг мақсадли фондларига мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш мақсади учун объект ҳисобланмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2016 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2016 йил 1 январдан бошлаб:

техник шартларни олишдан бошлаб ўрнатиш ва сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улашгача бўлган барча тартиботлар «Сувоқова» давлат унитар корхонаси, шунингдек унинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улашга доир барча ишлар «Сувоқова» давлат унитар корхонаси, шунингдек унинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан шартнома асосида амалга оширилади;

«Сувоқова» давлат унитар корхонаси, шунингдек унинг шаҳар ва туман филиаллари тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш ишларини амалга оширишда субпудрат асосида лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини амалга оширишга ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этиш ҳуқуқига эга;

«Сувоқова» давлат унитар корхонаси, шунингдек унинг шаҳар ва туман филиалларининг тадбиркорлик субъектларига магистрал тармоқларни қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш бўйича талабларни белгилайдиган техник шартларни бериши тақиқланади.

7. Қуйидагилар:

«Сувоқова» давлат унитар корхоналари, шунингдек уларнинг шаҳар ва туман филиаллари раҳбарлари таркибини аттестациядан ўтказиш ва бутлаш бўйича 4-иловага мувофиқ таркибда комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) ташкил этилсин, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги унинг ишчи органи этиб белгилансин;

Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш ҳамда модернизациялаш учун халқаро молия институтларининг Ўзбекистон Республикаси қафолати остида жалб этилган кредитларига ўз вақтида хизмат кўрсатилишини таъминлаш мониторинги бўйича 5-иловага мувофиқ таркибда идоралараро комиссия (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб аталади) ташкил этилсин.

8. Комиссия аттестацияни ўтказишда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин:

мутахассисларнинг малакаси ва маълумоти уларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги;

ходимларнинг ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизациялашнинг устувор йўналишлари ва вазифаларини билишлари, функционал вазифаларга мувофиқ ҳар бир аттестациядан ўтказиладиган шахснинг касбий сифатлари ва ишининг амалий натижаларини танқидий баҳолаш, унинг иш билан бандлиги даражаси ва ихтисослашуви;

ичимлик сув таъминоти ва канализация, объектлар ва асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, уларнинг ишончли ва барқарор ишлаши, уларни мукамал ва жорий таъмирлаш, илғор технологияларни, энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни жорий этиш соҳасида қонунчилик ва методологик базани чуқур билиши;

ўз фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалда қўллаш кўникмалари даражаси, юридик ва жисмоний шахслар (абонентлар) билан тезкор ва самарали ўзаро ҳамкорлик қилиши;

аттестациядан ўтказиладиган шахсда ташаббускорлик ва амалий хизмат фаолиятида пировард натижаларга эришишга интилиш, ишни ташкил этишни яхшилаш бўйича мавжуд ресурсларни энг кўп даражада ишга тушириш уқуви, ўз билимлари ва касбий тайёргарлиги даражасини доимий равишда ошириб боришдан манфаатдорлиги мавжудлиги.

9. Комиссия:

«Сувоқова» давлат унитар корхоналари, шунингдек уларнинг шаҳар ва туман филиаллари раҳбарлари таркибини уч ой муддатда аттестациядан ўтказсин ва унинг натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига якуний ахборот киритсин;

кадрларнинг касбий даражасининг доимий равишда ўсишини, энг яхши тажрибани ва ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштиришнинг жаҳон тенденцияларини ўзлаштиришга доир билимларнинг оширилишини таъминлайдиган кадрлар малакасини узлуксиз ошириш механизмининг бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

«Сувоқова» давлат унитар корхоналарининг тегишли маълумотга ва малакага эга бўлган мутахассислар билан бутланганлигини ҳар ойда кўриб чиқсин ва таҳлил қилсин, зарур малакага эга бўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда «Сувоқова» давлат унитар корхоналари раҳбарларига нисбатан чоралар кўрсин.

10. Қўйидагилар Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) сув таъминоти ва канализация соҳасида лойиҳалар амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, лойиҳаларнинг тасдиқланган техник-иқтисодий асосланишида назарда тутилган параметрларга эришиш таъминланмаганлигининг сабабларини аниқлаш;

б) «Сувоқова» давлат унитар корхоналарининг самарали ишлаши ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилишини, шу жумладан:

«Сувоқова» давлат унитар корхоналари тузилмаси такомиллаштирилишини, шунингдек бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этилишини;

«Сувоқова» давлат унитар корхоналарида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан «Активларни бошқариш»нинг «биллинг» ва геоахборот тизими жорий этилишини, шу асосда ҳисобга олишнинг очиқ-ошкоралиги таъминланишини;

энергияни тежайдиган технологияларни, шунингдек энергия ресурслари ва сув сарфини ҳисобга олишнинг замонавий приборлари жорий этилишини;

«Сувоқова» давлат унитар корхоналарининг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини назорат қилиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда:

«Сувоқова» давлат унитар корхоналари мутахассисларининг малакаси ихтисосли олий таълим муассасалари негизида тизимли оширилишини ташкил этсинлар;

сув таъминоти ва канализация йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларни қайта тайёрлаш бўйича базавий ўқув дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

2016/2017 ўқув йилидан бошлаб касб-хунар коллежларида сув таъминоти ва канализация мутахассисларини тайёрлашни ташкил этсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизациялашнинг устувор вазифалари амалга оширилишини, тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш тизимини такомиллаштиришга доир комплекс тадбирларнинг амалда бажарилиши натижалари Комплекс мажлисларида ҳар чорақда кўриб чиқилишини таъминласин.


14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**


**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 30 октябрь,  
306-сон


**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари  
ҳузуридаги «Сувоқова» давлат унитар корхоналарининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**«Сувоқова» давлат унитар корхоналари шаҳар филиалларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**«Сувоқова» давлат унитар корхоналари туман филиалларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган сони:

бошқарув ходимлари (БХ) — 6 киши;

\* Муҳандис-техник ходимлар (МТХ) ва ишлаб чиқариш ходимлари сув таъминоти ва канализация ташиқлотларининг муҳандис-техник ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган сони нормативларини белгилаш бўйича «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг тавсияномаларидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги 164-сон қарори билан тасдиқланган янгиланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори асосида белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 30 октябрдаги 306-сон қарорига  
2-ИЛОВА

560-модда

**Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва  
модернизациялаш, тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация  
тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш тизимини такомиллаштириш  
бўйича устувор вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлашга доир  
КОМПЛЕКС ТАДБИРЛАР**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
<b>I. 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурини амалга ошириш</b>				
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастури амалга оширилиши юзасидан комплекс ва ишончли мониторингни доимий асосда олиб бориш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарори	2015 йил 10 ноябргача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
2.	2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастури амалга оширилиши юзасидан доимий мониторинг олиб бориш, ҳар ойда Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига унинг ижросининг ҳолати тўғрисида ахборот, шунингдек уни амалга оширишни жадаллаштириш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тақдим этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	доимий асосда	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
3.	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг коллегиял мажлисларида 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастури амалга оширилишини кўриб чиқиш, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлислари учун таклифлар тайёрлаш.	Комплекс чора-тадбирлар	доимий асосда	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
4.	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт	—	ҳар чоракда	Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти,

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари йўналиши, 2015 й.

— 18 —

44 (700)-сон



Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
	инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурини, шу жумладан сув таъминоти ва канализация секторида бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини бажариш бўйича ҳисоботлари ҳар чоракда эшитилишини таъминлаш.			«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
<b>II. Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини бошқариш тизимини такомиллаштириш</b>				
5.	Халқаро молия институтларининг грант маблағларини жалб этиш ҳисобига сув таъминоти ва канализация соҳасининг норматив базасини такомиллаштириш, жумладан: 1) халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда янги ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар киритган ҳолда амалдаги норматив ҳужжатларни хатловдан ўтказиш; 2) Сув таъминоти соҳасининг норматив базасини такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Грант маблағларини жалб этиш  Комплекс чора-тадбирлар	алоҳида жадвал бўйича	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
6.	2035 йилгача бўлган давр учун Ўзбекистон Республикасининг ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизациялаш концепциясини ишлаб чиқиш.	Концепция	2017 йил 1 январгача	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси
7.	«Сувоқова» давлат унитар корхоналарининг, уларнинг шаҳар ва туман филиалларининг тузилмасини қарор билан тасдиқланган намунавий тузилмаларга мувофиқлаштириш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг қарори	2016 йил 1 январгача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси
8.	Авария вақтидаги ишларини бажариш учун истеъмолчилардан (абонентлардан) буюртманомаларни узлуксиз қабул қилувчи кечакундуз ишлайдиган диспетчерлик ва авария вақтидаги хизматларни, шунингдек авария оқибатидаги созлаш, тиклаш ишларини тезкорлик билан амалга оширувчи бригадаларнинг жойларга чиқишини ташкил этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	босқичма-босқич, 2015 йил 1 ноябрғача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
9.	Андижон вилоятидаги «Suvoqava» ОАЖни ва Тошкент вилоятидаги «Toshvilsuvoqava» ОАЖни тегишли вилоятлар ҳокимликларининг «Сувоқова» давлат унитар корхоналарига айлантириш.	Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори	2015 йил IV чорак	Давлат рақобат қўмитаси, Андижон ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари
10.	Сервис контрактларини жорий этиш йўли билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан «Сувоқова» давлат унитар корхоналарининг ўзаро муносабатларини аниқ тартибга солиш орқали «Сувоқова»	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва	2017 йил 1 январгача	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
	давлат унитар корхонасида бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш.	Тошкент шаҳри ҳокимликларининг қарори		Тошкент шаҳри ҳокимликлари
11.	«Сувоқова» давлат унитар корхоналари фаолиятини индикатив режалаштириш ва мониторинг олиб боришни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, уни амалда жорий этишнинг механизмини ва қўйидаги мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)нинг батафсил рўйхатини белгилашни назарда тутиш: техник кўрсаткичлар — ҳисобга олинмаган сув ҳажмлари, тармоқдаги сувнинг исроф бўлиши, тармоқларни янгилашнинг ўртача коэффициентлари, микробиологик ва физик-кимёвий параметрларнинг мувофиқлик даражаси, янги абонентларни тармоққа улашнинг белгиланган муддатларига тўлиқ риоя қилиш, хизмат кўрсатишда режалаштирилмаган танаффуслар сони, авариялар сони ва уларни бартараф этиш муддатларига риоя қилиш, истеъмолчиларнинг шикоятлари сони; молия-иқтисодий кўрсаткичлар — рентабеллик, маблағларнинг йиғилувчанлиги, дебиторлик-кредиторлик қарзларнинг кўпайиши/камайиши.	Комплекс чоратадбирлар	2016 йил 1 июлгача	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
12.	«Сувоқова» давлат унитар корхонасининг шаҳар/туман филиали тўғрисидаги Намунавий низомни ишлаб чиқиш.	Низом	2016 йил 1 январгача	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Сувоқова» давлат унитар корхоналари
13.	Ичимлик сувни бериш, сотиш ва канализация хизматлари кўрсатиш ҳажмларини, туман, шаҳар филиаллари ва умуман «Сувоқова» давлат унитар корхонаси бўйича чоракларга бўлган ҳолда даромадлар, харажатларни назарда тутувчи ҳар йилги ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқиш.	Дастур	ҳар йили 1 декабргача	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» давлат унитар корхоналари
14.	«Сувоқова» давлат унитар корхоналари ва уларнинг шаҳар ва туман филиаллари учун очилган 22622 Ҳисоб рақами йўриқномасининг 1-иловасига киритишни назарда тутувчи Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш.	Йўриқномага қўшимчалар киритиш	2016 йил I чорак	Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси
15.	«Сувоқова» давлат унитар корхонасининг сув таъминоти ва канализация объектларини ялпи хатловдан ўтказиш ва натижалари бўйича тегишли кўчмас мулкка кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилишини таъминлаш.	Хатловдан ўтказиш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш	2016 йил 1 июль	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» давлат унитар корхоналари

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
<b>III. Сув таъминоти ва канализация ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш</b>				
16.	Сув таъминоти ва канализация иншоотлари ва тармоқларидан зарур тарзда фойдаланишни ва уларни ўз вақтида таъмирлашни таъминлаш учун «Сувоқова» давлат унитар корхоналарини фойдаланиш машиналари ва механизмлар билан жиҳозлаш бўйича нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Буйруқ	2016 йил I чорак	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
17.	«Сувоқова» давлат унитар корхоналарини тасдиқланган нормативлар асосида махсус машиналар ва механизмлар билан таъминлаш.	Молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда комплекс чоратадбирлар	2016 — 2020 йиллар	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» давлат унитар корхоналари
18.	Моддий-техника ресурсларининг, шунингдек сув таъминоти ва канализация иншоотлари ва тармоқларида авария-тиклаш, таъмирлаш ва олдини олиш ишларини бажариш учун зарур бўлган қувур маҳсулотлари, сурилмалар ва бошқа компонентларнинг авария захираси нормативларини ишлаб чиқиш.	Буйруқ	2016 йил II чорак	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
19.	Куйидагиларни: кейинчалик фойдаланиш учун яроқлигини аниқлаш мақсадида «Сувоқова» давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини; сув таъминоти ва канализация объектларини, шу жумладан эгасиз ва фойдаланилмаётган объектларни; сув таъминоти ва канализация тизимига ноқонуний уланган сув таъминоти ва канализация объектларини ялпи хатловдан ва техник аудитдан ўтказиш.	Комплекс чоратадбирлар	2015 йил IV чорак	Давлат рақобат кўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» давлат унитар корхоналари
20.	Маънавий эскирган асбоб-ускуналарни халқаро талабларга жавоб берадиган, замонавий, энергия жиҳатидан самарали асбоб-ускуналарга, шу жумладан лизинг асосида алмаштириш йўли билан энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш.	Комплекс чоратадбирлар	2016 — 2018 йиллар мобайнида босқичма-босқич	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» давлат унитар корхоналари
<b>IV. Ичимлик сув таъминоти ва канализация соҳасида тариф сиёсатини ва кўрсатилаётган хизматларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш</b>				
21.	Минтақада сув таъминоти ва канализация хизматларига ягона тарифларни босқичма-босқич жорий этиш, минтақаларда ягона «Сувоқова» давлат унитар корхоналарини ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда туманлар бўйича уларни бирхиллаштиришни назарда тутиш.	Тарифларни қайта кўриб чиқишда	доимо	Молия вазирлиги, Давлат рақобат кўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Сувоқова» давлат унитар корхоналари

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Масъул бажарувчилар
22.	Хатлов ўтказишда кейинчалик қўллаш мақсадида маълумотларнинг мижозлар базалари ва лизинг тизимлари учун ягона техник талаблар ва параметрларни яратиш.	Комплекс чоратадбирлар	2016 йил I чорак	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги
23.	Абонентларни тўлиқ хатловдан ўтказиш йўли билан абонент хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва ичимлик сув ҳажмини ишлаб чиқариш, сотиш ва унинг учун ҳақ тўланишини кузатиб бориш мақсадида мониторинг олиб бориш, абонентлардан маблағлар тўпланиши даражасини ошириш, ҳисоб рақамларини тайёрлаш ва маблағ қўйиш жараёнини компьютерлаштириш, маълумотлар базасига рухсатсиз киришга йўл қўймаслик.	Комплекс чоратадбирлар	2016 йил II чораккача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Сувоқова» давлат унитар корхоналари
24.	Сув олиш иншоотларида ва тақсимлаш-тарқатиш қувурлари жойлашган жойларда сувни ҳисобга олишнинг замонавий асбобларини (сарфни ўлчагичларни), шунингдек уй-жой фондида сувни ҳисобга олишнинг яқка тартибдаги асбобларини ўрнатиш.	Комплекс чоратадбирлар	2016-2017 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Сувоқова» давлат унитар корхоналари
25.	«Сувоқова» давлат унитар корхоналари хизматларини кўрсатишда технологик сарфларга ва технологик сарфлар ва нобудгарчиликларни ҳисоблаб чиқиш методикасига мувофиқ сув сарфи нормаларини тасдиқлаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг қарори	2015 йил IV чорак	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» давлат унитар корхоналари
<b>V. Сув таъминоти ва канализация ташкилотларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш</b>				
26.	«Сувоқова» ДУКларни малакали кадрлар билан тўлдирish, тизимли ўқишни йўлга қўйган ҳолда ходимларнинг касбий малакаларини такомиллаштириш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.	Буйруқ	доимий асосда	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» ДУК
27.	Таълим муассасаларини ичимлик сув таъминоти тизимини монтаж қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича махсус дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга оширган ҳолда олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида кадрлар тайёрлаш тизимини таҳлил қилиш ва умумлаштириш негизида кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек ўқувчиларнинг ўқув-танишув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўташини ташкил этиш.	Қўшма қарор	2016 йил II чорак	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги,
28.	«Сувоқова» ДУК фаолиятига методик ҳамкорлик қилиш, фойдаланишнинг мақбул режимлари сақланишини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя қилиш.	Бажарувчилар қарори	доимий асосда	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
29.	«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Ўзкоммунўқувташкилотчи» республика ўқув-методик ва норматив-инжиниринг марказида ҳар йили амалиётга бошқарув бўғини мутахассисларининг малакасини оширишни йўлга қўйиш.	Чора-тадбирлар комплекси	ҳар йили	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
30.	Реал иш вазиятларида амалий ўқитиш негизини қўллаган ҳолда мутахассисларни ўқитиш ва уларнинг билимлари даражасини мустаҳкамлаш учун тегишли дастур-стажировкаларни ташкил этиш мақсадида халқаро таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Чора-тадбирлар комплекси	доимий асосда	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
<b>VI. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш</b>				
31.	Сув таъминоти ва канализация ташкилотларига тизим ишончилигини ошириш, аварияларни бартараф этиш вақтини камайтириш, авария ҳолатларининг олдини олиш, сув олиш қурилмалари ва насос станциялари ишлашининг мақбул режимини сақлаш, сув қувурлари тармоқларида босимни назорат қилиш бўйича олдини олиш чора-тадбирларини таъминлаш мақсадида сув таъминоти ва канализация тизими объектларига доир барча зарур маълумотларни киритиш, сақлаш, даврий янгилаб бориш ва мониторинг қилишни таъминлайдиган «Активларни бошқариш» геоахборот тизимини жорий этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2016-2017 йиллар	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, «Ўзкоммуналлоийҳақурилиш» МЧЖ, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
32.	«Сувоқова» ДУКга сув таъминоти ва канализация соҳасида республика даражасида ягона, тизимли асосда бирхиллаштирилган истеъмолчиларни аниқ ва манзилли ҳисобга олиш, дебиторлик қарзларни ҳисоблаш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш манзиллиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар юзага келишининг олдини олишни таъминлайдиган ҳисобга олишнинг ахборот тизимини яратган ҳолда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари негизида истеъмолчиларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган «Биллинг» тизимини жорий этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2016 йил 1 июлгача	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, «Ўзкоммуналлоийҳақурилиш» МЧЖ, «Давархитектқурилиш» кўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» ДУК
33.	Истеъмолчиларнинг ичимлик сув таъминоти ва канализация тизими, тармоқ ташкилотлари, сув таъминоти ва канализация соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, электрон шаклда расмий мурожаатлар (буюртманомалар, шикоятлар ва бошқалар) юбориш тўғрисида мукамал маълумот олиш имконини берадиган тегишли ахборот ресурсларини (интернет-сайтларни) яратиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2017 йил 1 чорак	Ахборот технологиялари вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» ДУК
34.	Интернет тармоғи орқали, шу жумладан банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда кўрсатилган хизматлар учун онлайн-тўлов тизимини жорий этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2017 йил 1 чорак	Ахборот технологиялари вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Марказий банк, «Сувоқова» ДУК

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
35.	Жорий ҳисоб-китоб, хизматлар учун тўловларнинг ҳолати ва қарздорлик тўғрисида хабар бериш бўйича муҳим маълумотларни тақдим этиш юзасидан мобиль иловаларни ишлаб чиқиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2017 йил 1 чорак	Ахборот технологиялари вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Марказий банк
36.	«Сувоқова» ДУКда сув балансини шакллантириш бўйича автоматлаштирилган тизимни яратиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2017 йил 1 чорак	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Сувоқова» ДУК
37.	Ичимлик сув истеъмолчиларини ҳисобга олиш приборлари, шу жумладан уй-жой секториди ҳисобга олиш приборларини қиёслашнинг биллинг тизимида бирлаштирган ҳолда умумий уйлар ва яқка тартибдаги уйларни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш.	Чора-тадбирлар комплекси	2017 йил 1 январгача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Сувоқова» ДУК
<b>VII. Тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш тизимини шакллантириш</b>				
38.	Сув таъминоти ва канализация бўйича давлат хизматларини ёппасига хатловдан ўтказиш.	Инвентаризация	2015 йил 1 декабргача	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Сувоқова» ДУК
39.	Давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари томонидан бевосита «бир дарча» марказлари томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва канализация бўйича давлат хизматлари кўрсатиш учун тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларни қабул қилишни таққиланган ҳолда «бир дарча» марказларининг фаолият кўрсатишини бошлашни таъминлаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарори	2016 йил 1 январдан бошлаб	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Сувоқова» ДУК
40.	Ваколатли органлар ва тадбиркорлик субъектларига «бир дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказларнинг ўқиётган ходимлари иштирокида тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш бўйича қабул қилинган нормаларни амалий қўллаш даражасини оширишга қаратилган семинарларни мунтазам равишда ташкил этиш ва ўтказиш.	Жадвал	доимий асосда	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» ДУК
41.	Тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш тартиби тўғрисидаги низомнинг амалга оширилишини қуйидагиларда мақсадли ўрганиш: Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида; Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида; Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида;	Мақсадли ўрганиш	2016 й. февраль 2016 й. март 2016 й. апрель	Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
	Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида; Қорақалпоғистон Республикасида ва Хоразм вилоятида; Тошкент шаҳрида. Мақсадли ўрганишлар якунлари бўйича материалларни умумлаштириш ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисига киритиш.		2016 й. май 2016 й. июнь 2016 йил июль  2016 йил сентябрь	Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Сувоқова» ДУК
42.	Тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг якуний мақсадлари мазмуни тўғрисида тадбиркорлик субъектларининг хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Чора-тадбирлар комплекси	2016 йил I чорак	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, МТРК
<b>VIII. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни бажариш ва аҳолининг сув таъминоти соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириш</b>				
43.	Оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан электрон ОАВ ва Интернет орқали сув таъминоти ва канализация соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, ичимлик сувдан оқилона фойдаланиш бўйича тарғибот чора-тадбирлари якуний мақсадларининг моҳияти ва мазмунини кенг ва мунтазам равишда ёритишни ташкил этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	доимий асосда	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, ЎЗА, МТРК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
44.	Аҳоли ўртасида сув таъминоти ва сув ажратиш соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни, мақсадлари ва уларни амалга ошириш механизмлари тўғрисида тушунтириш ишларини тизимли асосда олиб бориш.	Чора-тадбирлар комплекси	доимий асосда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги «Маҳалла» фонди, ХУЖМШ уюшмаси билан биргаликда
45.	Сув таъминоти ва канализация ташкилотларининг муҳандис-техник ходимлари ва бошқа ходимларининг малакасини оширишга қаратилган ўқув семинарлари ва тренинглар ўтказиш, ижобий халқаро тажриба асосида ўқув курслари ташкил этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	доимий асосда	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

Изоҳ: ҳужжатлар турлари тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳалари ва хусусиятларига кўра қайта кўриб чиқилиши ва бирлаштирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 30 октябрдаги 306-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва  
канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр»  
шартларида улаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари:

сув таъминоти ва канализациянинг ички тармоқларини лойиҳалаштиришга ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажаришга;

лойиҳа-смета ҳужжатларида сув таъминоти ва канализациянинг ички ва ташқи тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган объектларга татбиқ этилмайди.

2. Тадбиркорлик субъектларини «фойдаланишга тайёр» шартларида (кейинги ўринларда «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш деб аталади) улаш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

«фойдаланишга тайёр» шартларида улаш юзасидан шартнома тузиш;

техник шартларни ишлаб чиқиш;

ташқи сув таъминоти ва канализация лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни ваколатли органлар билан келишиш;

қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

сувни ҳисобга олиш ҳисоб-китоб приборини ўрнатиш;

сув бериш ва оқова сувларни чиқариб юбориш юзасидан шартнома тузиш.

3. «Фойдаланишга тайёр» шартларида улаш бўйича ишлар «Сувоқова» давлат унитар корхонаси томонидан, шу жумладан тадбиркорлик субъекти билан тузиладиган шартнома асосида, унинг номидан вакиллик қиладиган шаҳар ва туман филиаллари орқали, тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

«Фойдаланишга тайёр» шартларида улаш бўйича ишларнинг қиймати шартнома асосида аниқланади ҳамда ташқи сув таъминоти ва канализациянинг белгиланган тартибда экспертизадан ўтган лойиҳасига мувофиқ аниқлаштирилади.

4. «Сувоқова» давлат унитар корхонаси «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида субпудрат асосида лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш учун ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этиш ҳуқуқига эга.



## II. «Фойдаланишга тайёр» шартларида улаш юзасидан шартномани расмийлаштириш

5. Тадбиркорлик субъектлари «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш учун конун ҳужжатларида белгиланган шаклга мувофиқ, давлат хизматлари кўрсатиш юзасидан ариза билан тегишли туман (шаҳар)нинг «бир дарча» тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларига белгиланган тартибда мурожаат қиладилар.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича техник шартларни олиш учун тадбиркорлик субъектининг сув истеъмолини ва оқова сувни чиқариб юборишини характерловчи маълумотлар;

ер участкасининг геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияга эга бўлган юридик шахс томонидан берилган М-1:500 масштабда топографик харитаси;

уланадиган объектнинг сув истеъмоли ва оқова сувни чиқариб юбориш баланси учун, шу жумладан ёнғинни ўчириш учун сувдан фойдаланиш турлари бўйича ёйилма ҳолдаги дастлабки маълумотлар;

объектнинг мақсади, унинг баландлиги ва қаватлари сони тўғрисидаги маълумотлар.

Тадбиркорлик субъектидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

6. «Бир дарча» маркази ариза қабул қилинган кун мобайнида уни «Сув-оқова» давлат унитар корхонасига ёки унинг шаҳар ва туман филиалларига (талаб қиладиган жойлар бўйича) юборади, аризага ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатларни илова қилади.

7. «Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиаллари «бир дарча» марказидан ариза тушган кундан бошлаб 5 кун мобайнида:

тадбиркорлик субъектини сув таъминоти ва канализация тармоқларига улашнинг техник имкониятини жойига борган ҳолда ўрганадилар;

«бир дарча» марказига техник топшириқни ва тадбиркорлик субъекти номига расмийлаштирилган «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш юзасидан шартномани берадилар.

8. «Бир дарча» маркази «Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиалларидан «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш юзасидан шартнома олингандан кейин 5 кун мобайнида тадбиркорлик субъекти билан ушбу шартноманинг тузилишини таъминлайди ва шартнома тарафларига уни бир нусхадан тақдим этади.

Тадбиркорлик субъекти кўрсатиб ўтилган муддат мобайнида «бир дарча» марказига барча лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини унинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши ёки унинг «фойдаланишга тайёр» шартларида уланиш юзасидан шартнома тузишни рад этиши муносабати билан келмаган тақдирда «бир дарча» маркази бир кун муддатда бу тўғрида «Сув-

оқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиалларини хабардор қилади.

9. «Фойдаланишга тайёр» шартларида улаш юзасидан шартнома «Сувоқова» давлат унитар корхонаси, шу жумладан унинг шаҳар (туман) филиаллари орқали, тадбиркорлик субъекти ўртасида икки нусхада, ҳар қайси тараф учун бир нусхада тузилади.

10. «Фойдаланишга тайёр» шартларида улаш юзасидан шартнома тузилгандан кейин тадбиркорлик субъекти (буюртмачи) «Сувоқова» давлат унитар корхонасига (пудратчига) шартномада кўрсатилган миқдорда аванс тўловини ўтказди.

Тадбиркорлик субъектидан аванс тўловининг тушиши «Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар (туман) филиаллари учун «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш ишларини бошлаш учун асос ҳисобланади.

### **III. «Фойдаланишга тайёр» шартларида улаш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда сув бериш ва оқова сувларни чиқариб юбориш юзасидан шартнома тузиш**

11. «Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиаллари тадбиркорлик субъектидан аванс тўлови тушган кундан бошлаб техник шартлар асосида ташқи сув таъминоти ва канализация лойиҳасини тайёрлайдилар ҳамда уни келишиш учун туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлимига (бошқармасига) юбордилар.

12. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими (бошқармаси) ташқи сув таъминоти ва канализация лойиҳаси тушган кундан бошлаб 5 кунгача бўлган муддат мобайнида уни келишади ёки «бир дарча» марказига, рад этишнинг асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда, лойиҳани келишишнинг рад жавобини юборди.

Сув таъминоти ва канализация лойиҳасини келишишнинг мақсадга мувофиқ эмас деган сабабга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

Ташқи сув таъминоти ва канализация лойиҳасини келишишни рад этиш учун асос бўлган сабаблар «Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан бартараф этилган тақдирда лойиҳани такрорий кўриб чиқиш лойиҳа олинган кундан бошлаб 3 кундан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

Ташқи сув таъминоти ва канализация лойиҳасини ваколатли органлар билан келишиш тўлов ундирилмасдан амалга оширилади.

13. Ташқи сув таъминоти ва канализациянинг келишилган лойиҳаси олингандан кейин «Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиаллари қурилиш-монтаж ишларини бажаришга киришадилар.

Қурилиш-монтаж ҳамда ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш шартномада назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

14. Қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишлари тугагач «Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиаллари

15 кун мобайнида сувни ҳисобга олиш ҳисоб-китоб приборини ўрнатдилар, бажарилган ишлар далолатномасини тузадилар ҳамда уни ташқи сув таъминоти ва канализацияни қабул қилиб олиш учун тадбиркорлик субъектига юбордилар.

15. Тадбиркорлик субъекти томонидан ташқи сув таъминоти ва канализацияни қабул қилиб олиш ишлари тугаллангандан кейин «Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиаллари унга қуйидаги ҳужжатларни бир нусхадан берадилар:

техник шартлар;

ташқи сув таъминоти ва канализация лойиҳаси;

сувни ҳисобга олиш ҳисоб-китоб приборларини текшириш ва пломба-лаш далолатномаси;

қурилиш-монтаж ҳамда ишга тушириш-созлаш ҳужжатлари;

сув бериш ва оқова сувларни чиқариб юбориш юзасидан шартнома.

16. Сув бериш ва оқова сувларни чиқариб юбориш юзасидан шартнома «Сувоқова» давлат унитар корхонаси, шу жумладан унинг шаҳар ва туман филиаллари орқали, тадбиркорлик субъекти ўртасида икки нусхада, ҳар қайси тараф учун бир нусхадан тузилади.

#### IV. Яқунловчи қоидалар

17. «Фойдаланишга тайёр» шартларида улаш бўйича ишлар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

18. Сув бериш ва оқова сувларни чиқариб юборишнинг шартнома тузмасдан амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



Тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларини сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш СХЕМАСИ**

Субъектлар	Механизми	Муддатлари
Тадбиркорлик субъекти	Тадбиркорлик субъектларига туман (шаҳар) «бир дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказига ариза бериш.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
«Бир дарча» маркази	Тадбиркорлик субъектининг аризасини «Сувоқова» давлат унитар корхонасига ёки унинг шаҳар ва туман филиалларига, унга зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда юбориш.	Ариза қабул қилган кун мобайнида
«Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиаллари	1. Сув таъминоти ва канализация тармоқларига улашнинг техник имкониятини жойига борган ҳолда ўрганиш. 2. «Бир дарча» марказига техник топшириқни ҳамда тадбиркорлик субъекти номига расмийлаштирилган сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш юзасидан шартномани бериш.	Ариза тушган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
«Бир дарча» маркази	Тадбиркорлик субъекти томонидан сув таъминоти ва канализация тармоқларига «фойдаланишга тайёр» шартларида улаш юзасидан шартнома тузилишини таъминлаш ва шартнома тарафларига бир нусхадан тақдим этиш.	Шартнома олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида.
«Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиаллари	Ташқи сув таъминоти ва канализация лойиҳасини тадбиркорлик субъектлари маблаглари ҳисобига тайёрлаш ва уни келишиш учун туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлимига (бошқармасига) юбориш.	«Фойдаланишга тайёр» шартларида улаш бўйича ишлар бошланган вақтдан бошлаб 15 — 30 кун мобайнида.
Келишиш органлари	Рад этишнинг асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда лойиҳани келишиш ёки уни келишишнинг рад жавобини юбориш.	Лойиҳа тушган кундан бошлаб 5 кун мобайнида.
«Сувоқова» давлат унитар корхонаси ёки унинг шаҳар ва туман филиаллари	1. Қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш. 2. Сувни ҳисобга олиш ҳисоб-китоб приборини ўрнатиш. Бажарилган ишлар далолатномасини тузиш ҳамда уни ташқи сув таъминоти ва канализацияни қабул қилиб олиш учун тадбиркорлик субъектига юбориш. 3. Объектни тадбиркорлик субъектига топшириш ҳамда сув таъминоти ва канализация тармоқларига улаш. 4. Тадбиркорлик субъекти билан сув бериш ва оқова сувларни чиқариб юбориш юзасидан шартнома тузиш.	Шартномада белгиланган муддатларда. Қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишлари тугалланган кундан бошлаб 15 кун мобайнида. Билдиришнома олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида. Объект қабул қилиб олинган кунда.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 30 октябрдаги 306-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**«Сувоқова» давлат унитар корхоналари, шунингдек  
уларнинг шаҳар ва туман филиаллари раҳбарлари таркибини  
аттестациядан ўтказиш ва бутлаш бўйича комиссия  
ТАРКИБИ**

- Закиров Б.И. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси
- Хасилов Х.Н. — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари АТД мудир, комиссия раисининг ўринбосари
- Холмухамедов Ў.О. — «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бош директори, комиссия раисининг ўринбосари
- Мирзабобоев М.К. — «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг ўринбосари
- Аминов Р.А. — Давлат рақобат қўмитаси раисининг ўринбосари
- Адхамжонов А.А. — Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи
- Жамолов Г.О. — Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошлиғи
- Хайдаров Т.А. — «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бошқарма бошлиғи
- Рахматуллаев Р.З. — «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бошқарма бошлиғи
- Назиров Н.Т. — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари АТД бош мутахассиси, комиссиянинг масъул котиби.

Комиссия таркибига лавозимига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосарлари кирази.

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 30 октябрдаги 306-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш ва  
модернизациялаш учун халқаро молия институтларининг  
Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этилган  
кредитларига ўз вақтида хизмат кўрсатилишини таъминлаш  
мониторинги бўйича идоралараро комиссия  
ТАРКИБИ**

- |                                |   |
|--------------------------------|---|
| Закиров Б.И.                   | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси   |
| Юсупов Б.М.                    | — Молия вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари  |
| Хўжаев Б.А.                    | — Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари  |
| Холмухамедов Ў.О.              | — «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бош директори, комиссия раисининг ўринбосари   |
| Шодиев М.И.                    | — «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг ўринбосари  |
| Аминов Р.А.<br>лавозимига кўра | — Давлат рақобат қўмитаси раисининг ўринбосари  |
|                                | — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг уй-жой-коммунал хўжалиги масалаларига мутасаддилик қилувчи ўринбосари |
| Хасилов Х.Н.                   | — Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари АТД мудирининг, комиссия котиби.  |